

# Ўзбекистонда "Бирга ўқиймиз" лойиҳасига старт берилди

15 март 2017



Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ходимлари "Бирга ўқиймиз" лойиҳаси ишлаб чиқди. Лойиҳа 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиш ижроси доирасида амалга оширилди.

Ундан кўзланган асосий мақсад, мактаб ёшидаги болаларга хорижий тилларни ўргатишни янада такомиллаштириш, ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш, уларни кутубхоналарга жалб қилишдан иборат, деб хабар беради ЎЗА.

"Бирга ўқиймиз" қўшма лойиҳаси доирасида инглиз ва немис филологияси факультетларининг лойиҳада иштирок этадиган 3-курс талабалари учун таништирув семинар машгулотлари ўтказилди. Уларда талабалар чет тилини ўқитиш бўйича "Story telling" инновацион методикаси билан таништирилди.

Белгиланган тадбирлар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг тегишли кафедралари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Британия Кенгаши, Тошкентдаги Гёте институти ҳамда ҳамкор умумтаълим мактаблари билан биргаликда ўтказилмоқда.